

КИБЕРФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШИШДА БУ ТУРДАГИ ҚИЛМИШЛАР УЧУН ЖИНОЙИ ЖАЗО ТАЙИНЛАШ: ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ, ЗАРАР МИҚДОРИ ВА РАҚАМЛИ ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Саттаров Жаъсурбек Авазбекович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш

Академияси мустақил изланувчиси

E-mail: jasur_sattarov@proacademy.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21988667>

Аннотация. Мазкур мақолада ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик учун жиноий жазо тайинлашнинг назарий, жиноят-ҳуқуқий, криминологик ва суд-амалиётга оид хусусиятлари таҳлил қилинади. Тадқиқотда фирибгарликнинг анъанавий белгилари рақамли муҳитда қандай трансформацияга учраётгани, ахборот тизимлари, мобил банк иловалари, электрон тўлов воситалари, онлайн кредит платформалари, виртуал карталар ва шахсий маълумотлардан фойдаланиш ҳолатлари жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига қандай таъсир қилиши очиқ берилган. Суд-тергов амалиётини ўрганиш натижалари судлар кўп ҳолларда зарар миқдори, айбдорнинг шахси, иқдорлик, пушаймонлик ва зарарнинг қопланганлигига устувор аҳамият қаратаётгани, бироқ рақамли фирибгарликка хос махсус омиллар шахсий маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш, онлайн кредитни жабрланувчи номига расмийлаштириш, виртуал карта орқали маблағларни ўтказиш, бир нечта жабрланувчига нисбатан бир хил рақамли схема қўллаш, электрон изларни яшириш имконияти каби ҳолатлар жазони индивидуаллаштиришда етарлича баҳоланмаётганини кўрсатади. Мақола якунида Жиноят кодекси, Олий суд Пленуми тушунтиришлари ва суд амалиётини такомиллаштириш бўйича муаллифлик таклифлари илгари сурилади.

Калит сўзлар: фирибгарлик, ахборот технологиялари, рақамли фирибгарлик, жиноий жазо, жазони индивидуаллаштириш, суд амалиёти, онлайн кредит, виртуал карта, шахсий маълумотлар, электрон тўлов воситалари, рақамли далиллар, иқтисодий хавфсизлик, кибержиноятчилик.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳамда рақамли иқтисодиётни ривожланиши, шунингдек онлайн банк хизматлари, мобил иловалар, электрон тўлов тизимлари ва масофавий молиявий хизматларнинг жадал ривожланиши мулкӣ ҳуқуқларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш соҳасида янги илмӣ ва амалӣ муаммоларни юзага келтирмоқда. Агар анъанавий фирибгарлик кўпинча бевосита мулоқот, ёлғон ваъда, сохта ҳужжат, шахсий ишонч ёки жабрланувчининг ҳуқуқӣ хабардорлиги пастлигидан фойдаланиш орқали содир этилган бўлса, бугунги рақамли муҳитда фирибгарлик мобил банк иловалари, электрон тўлов воситалари, виртуал карталар, шахсий маълумотлар, онлайн кредит платформалари ва ижтимоий тармоқлар орқали амалга ошириладиган мураккаб мулкӣ тажовуз шаклига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида фирибгарлик алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкӣни ёки ўзганинг мулкӣга бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш сифатида белгиланган. Ушбу модданинг учинчи

қисми “г” бандида фирибгарлик ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, оғирроқ жавобгарлик назарда тутилган[1].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги 17-сонли қарорида ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш деганда, молия, банк муассасалари, фондлар ва шунга ўхшаш ташкилотлардаги мулкни алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари, алоқа воситаси, планшет ёки бошқа техник қурилмалар ёрдамида манипуляция қилиш орқали амалга ошириладиган талон-торож тушунилиши қайд этилган[2].

Мазкур тушунтириш фирибгарликни квалификация қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Бироқ жиноий жазо тайинлаш босқичида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг криминологик, ижтимоий хавфлилик ва индивидуаллаштирувчи аҳамиятини тўлиқ очиб бериш масаласи ҳали ҳам алоҳида илмий таҳлилни талаб қилади. Чунки рақамли фирибгарликда жиноятнинг хавфлилиги фақат етказилган моддий зарар миқдори билан белгиланмайди. Бундай қилмишларда жабрланувчилар сони, шахсий маълумотлардан фойдаланиш, электрон молиявий операцияларни масофадан бошқариш, онлайн кредитни жабрланувчи номига расмийлаштириш, рақамли изларни яшириш, бир хил схемани кўп марта қўллаш ва жиноятнинг латентлиги ҳам муҳим мезон ҳисобланади.

Шу боис ушбу мақоланинг асосий мақсади ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик учун жиноий жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим бўлган махсус рақамли-криминологик мезонларни илмий асослаш, суд-тергов амалиётидаги ёндашувларни танқидий баҳолаш ҳамда қонунчилик ва суд амалиётини такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқий табиатини тушунишда аввало унинг классик белгиларини аниқлаш муҳим. Қ.Р. Абдурасулова фирибгарликни мулкий муносабатларга қарши қаратилган, жабрланувчининг иродасини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш орқали янглиш шакллантиришга асосланган жиноят сифатида таҳлил қилади [6]. Ушбу ёндашув фирибгарликнинг умумий моҳиятини очиб беради, аммо рақамли муҳитда алдаш шакли ўзгарганини тўлиқ қамраб олмайди. Чунки ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликда жабрланувчи баъзан айбдор билан бевосита мулоқот қилмайди; унинг иродаси мобил илова, СМС-код, сохта рақамли интерфейс, виртуал карта ёки онлайн кредит платформаси орқали йўналтирилади.

М.Ҳ. Рустамбоев фирибгарликни мулкка қарши жиноятлар тизимида алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш орқали ўзганинг мулкни ёки мулкий ҳуқуқини қўлга киритиш билан боғлайди [7]. Бу қараш амалдаги қонунчилик билан уйғун. Бироқ рақамли фирибгарлик шароитида “мулкни қўлга киритиш” жараёни кўп ҳолларда бир неча босқичдан иборат бўлади: жабрланувчининг шахсий маълумотини қўлга киритиш, унинг номига онлайн кредит расмийлаштириш, кредит маблағини виртуал картага ўтказиш, кейин эса маблағни айбдор назоратидаги пластик картага йўналтириш. Демак, бундай ишлар бўйича жазо тайинлашда фақат якуний зарар эмас, жиноят механизмининг босқичма-босқич рақамли қурилиши ҳам баҳоланиши керак.

М. Усмоналиев ва П. Бакунов жиноят объекти масаласини таҳлил қилар экан, жиноят туфайли зарар етказиладиган ёки зарар етказиш хавфи туғиладиган ижтимоий муносабатлар мазмунини аниқлаш зарурлигини кўрсатади [8]. Бу фикр рақамли фирибгарлик учун айниқса муҳим. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликда тажовуз объекти фақат мулк муносабатлари билан чекланмайди; бунда шахсий маълумотлар дахлсизлиги, электрон тўлов тизимлари ишончлилиги, банк хизматларининг хавфсизлиги ва рақамли иқтисодиётга бўлган ижтимоий ишонч ҳам зарар кўради.

Ҳ.Р. Очилов компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзгалар мулкани талон-торож қилишни мустақил жиноят-ҳуқуқий тадқиқот объекти сифатида таҳлил қилиб, бундай қилмишларда ахборот тизими хавфсизлиги қўшимча объект сифатида зарарланишини асослайди [4]. Унинг тадқиқотида компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишнинг умумий тавсифи, объектив ва субъектив белгилари, квалификация масалалари, криминологик хусусиятлари ва профилактика чоралари алоҳида бўлимлар кесимида ўрганилган.

Мазкур қараш рақамли фирибгарлик учун методологик жиҳатдан муҳимдир. Чунки судлар кўп ҳолларда ахборот технологиясидан фойдаланишни фақат квалификация белгиси сифатида кўрмоқда. Ҳолбуки, Очиловнинг икки объектлилиқ ҳақидаги ёндашувидан келиб чиқилса, рақамли фирибгарликда мулкӣ зарар билан бирга ахборот тизимлари, электрон тўловлар ва шахсий маълумотлар хавфсизлигига нисбатан ҳам хавф юзага келади. Шу сабабли жазо тайинлашда ахборот технологиясидан фойдаланиш формал белги эмас, балки жиноятнинг хавфлилиқ даражасини оширувчи реал омил сифатида баҳоланиши лозим.

Р.С. Алтиев фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқӣ ва криминологик жиҳатларини таҳлил қилиб, Жиноят кодексининг 168-моддасида ахборот тизими, ахборот-коммуникация технологиялари, тўлов карталари ва электрон тўлов воситаларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликни дифференциация қилиш зарурлигини асослайди [5]. У, шунингдек, Жиноят кодексига “Кредитлаш соҳасидаги фирибгарлик” учун алоҳида жавобгарлик белгиловчи 168¹-моддани киритиш таклифини илгари сурган. Унинг мазкур таклифи айниқса онлайн кредит ва мобил банк иловалари орқали содир этилаётган фирибгарликлар учун долзарбдир. Бироқ уни тўғридан-тўғри алоҳида моддага айлантиришдан олдин амалиётда кредитлаш соҳасидаги фирибгарликнинг турлари, онлайн кредит билан боғлиқ далиллаш муаммолари, жабрланувчи иродасининг шаклланиши ва банк платформаларининг хавфсизлик мажбуриятлари чуқурроқ таҳлил қилиниши керак. Муаллиф фикрича, ҳозирги босқичда ушбу таклифнинг энг мақбул йўли Олий суд Пленуми тушунтиришларида онлайн кредит, виртуал карта ва шахсий маълумотлардан фойдаланиш ҳолатларини жазони индивидуаллаштиришнинг мустақил мезонлари сифатида белгилашдир.

В.И.Гладких ва В.С.Курчеев жиноятнинг ижтимоӣ хавфлилиқ даражасини баҳолашда қилмиш хусусияти, айбдор шахси ва оқибатлар ўртасидаги мутаносибликка урғу беради [9]. Бу ёндашув рақамли фирибгарликда жиноӣ жазо тайинлаш учун ҳам муҳим. Бироқ рақамли фирибгарликда оқибатлар баъзан фақат пул миқдорида намоён бўлмайди. Жабрланувчи номига кредит расмийлаштирилиши унинг кредит тарихи,

банк тизимига ишончи, шахсий маълумотлари дахлсизлиги ва келгуси молиявий муносабатларига ҳам салбий таъсир қилиши мумкин.

Г.П.Новоселов жиноят объектини тушунишда жиноят қонуни муҳофаза қиладиган ижтимоий қадрият ва манфаатларнинг мазмунини аниқлаш зарурлигини таъкидлайди [10]. О.Зателепин эса объект масаласи фақат назарий категория эмас, балки квалификация ва жазо тайинлашга таъсир қилувчи амалий мезон эканини кўрсатади [11]. Ушбу қарашлардан келиб чиқилса, рақамли фирибгарликда ахборот хавфсизлиги, банк хизматларининг барқарорлиги ва электрон тўлов муносабатларига бўлган ишонч ҳам жазо тайинлашда назарда тутилиши лозим.

Л.Д.Гаухман ва С.В.Максимов мулкка қарши жиноятларни таҳлил қилишда айбдорнинг ғаразли мақсади ва мулккий наф олишга қаратилган ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратади [12]. Рақамли фирибгарликда ҳам ғаразли мақсад сақланиб қолади, бироқ уни амалга ошириш механизми ўзгаради. Айбдор бевосита пулни олмасдан, жабрланувчи номидан онлайн операция амалга оширади, кредит маблағини виртуал картага ўтказиши ёки электрон тўлов тизими орқали ўз назоратига олади. Бу эса ғаразли мақсадни исботлаш билан бирга рақамли операциялар занжирини таҳлил қилишни ҳам талаб этади.

Хорижий олимлар орасида С.Бреннер кибержиноятчиликни ахборот маконидаги жиноий таҳдид сифатида баҳолайди [13]. У.Зибер компьютер билан боғлиқ жиноятлар мураккаблигини глобал кибермакон шароитида ҳуқуқий уйғунлаштириш масалалари билан боғлайди [14]. Д.С.Уолл кибержиноятчиликни ахборот асрида жиноятнинг трансформацияси сифатида баҳолайди [15]. И.Уолден рақамли далиллар ва булутли муҳитдаги маълумотларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мурожаат қилиш муаммоларини таҳлил қилади [16]. Ушбу қарашлар Ўзбекистон амалиёти учун муҳим, аммо уларни механик тарзда кўчириш мумкин эмас. Ўзбекистон шароитида кенг учраётган муаммо юқори даражадаги ҳакерликдан кўра, фуқароларнинг шахсий маълумотларини қўлга киритиш, онлайн кредит хизматларидан суиистеъмол қилиш, банк ходими ёки дилер сифатида ўзини кўрсатиш ва мобил иловалар орқали мулккий зарар етказиш билан боғлиқ.

В.Круз ва Ж.Ҳейзер компьютер криминалистикасида электрон излар, транзакциялар, техник қурилмалар ва рақамли маълумотларни сақлаш-тиклаш муҳимлигини таъкидлайди [17]. М.Уитти онлайн фирибгарликда психологик таъсир, ишончни шакллантириш ва босқичма-босқич ишонтириш моделини таҳлил қилади [18]. А.Ж.Марселла ва Р.С.Гринфилд рақамли далилларни йиғиш, сақлаш ва текшириш методикасига алоҳида эътибор қаратади [19]. Коопс кибержиноятчиликка оид қонунчиликни шакллантиришда техник терминлар ва ҳуқуқий аниқлик ўртасидаги мувозанатни муҳим деб ҳисоблайди [20]. Н.Кшетри глобал жануб мамлакатларида кибержиноятчилик ва киберхавфсизлик муаммоларини ижтимоий-иқтисодий омиллар билан боғлайди [21]. Лу, Жен, Чанг ва Чоу кибержиноятчиларни типологик жиҳатдан ўрганишга уринади [22]. Вермеулен, Де Бондт ва Рикман халқаро жиноий ҳамкорликда электрон далиллар ва трансчегаравий жиноятларнинг мураккаблигини кўрсатади [23]. Де Бондт Европа жиноят сиёсатида умумий жиноят таркибларини шакллантириш эҳтиёжини таҳлил қилади [24]. Ушбу қарашлардан келиб чиқиб, рақамли фирибгарликда жазо тайинлаш миллий қонунчилик доирасида амалга оширилса-да, у

электрон далиллар, рақамли муҳит, жабрланувчининг рақамли заифлиги ва молиявий платформалар хавфсизлиги билан боғлиқ кенгроқ контекстда баҳоланиши керак.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқий табиати уч асосий жиҳат орқали намоён бўлади.

Биринчидан, бундай фирибгарликда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш рақамли восита орқали амалга оширилади. Бу телефон қўнғироғи, мессенжер, СМС-хабар, мобил илова, интернет платформа, электрон тўлов тизими, виртуал карта ёки онлайн кредит платформаси орқали бўлиши мумкин. Бироқ барча ҳолатларда ахборот технологиясидан фойдаланиш даражаси бир хил эмас. Масалан, оддий телефон қўнғироғи орқали ёлғон маълумот бериш билан жабрланувчи номига онлайн кредит расмийлаштириб, кредит маблағини виртуал картадан айбдор картасига ўтказиш жиноят механизми ва ижтимоий хавфлилиги бўйича бир хил баҳоланмаслиги керак.

Иккинчидан, рақамли фирибгарликда жиноят предмети анъанавий нақд пул билан чекланмайди. У кредит маблағи, электрон пул, банк картасидаги маблағ, виртуал картадаги маблағ, электрон ҳамёндаги пул ёки мулкӣ ҳуқуқ шаклида бўлиши мумкин. Шу сабабли судлар жиноят натижасида айбдор реал пулни қўлга киритган-киритмагани билан бирга, у электрон молиявий операциялар орқали мулкӣ наф олиш имкониятига эга бўлган-эга бўлмаганини ҳам баҳолаши зарур.

Учинчидан, ахборот технологияларидан фойдаланиш жиноятнинг латентлик даражасини оширади. Айбдор турли рақамлар, бошқа шахс номидаги карталар, виртуал карталар, электрон платформалар ва масофавий операциялар орқали ўз ҳаракатларини яширишга уринади. Очилов компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишда ахборот тизими хавфсизлиги ҳам зарарланишини, бу ҳолат жиноятлар мажмуи ва жазо тайинлаш масалаларини мураккаблаштиришини кўрсатади [4].

Муаллиф фикрича, ахборот технологиясидан фойдаланишни жазо тайинлашда баҳолаш учун функционал мезон жорий қилиниши лозим. Ушбу мезонга кўра суд қуйидаги саволларга жавоб бериши керак: ахборот технологияси жиноятда фақат алоқа воситаси бўлганми ёки мулкни қўлга киритишнинг асосий механизмига айланганми? Айбдор шахсий маълумотлардан фойдаланганми? Онлайн кредит, виртуал карта ёки электрон тўлов воситаси жиноят схемасида қандай роль ўйнаган? Жиноят бир марталикми ёки кўп эпизодлими? Жабрланувчилар сони нечта? Айбдор рақамли изларни яширишга уринганми? Айнан шу саволларга берилган жавоб жазони индивидуаллаштиришнинг ҳақиқий мазмунини белгилайди.

Биз ўрганган суд ҳукмлари таҳлили ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликда жазо тайинлаш бўйича бир қатор муаммоли тенденцияларни кўрсатади.

Жумладан, биз ўрганган 1-1209-2401/49 сонли жиноят иши бўйича айбдор ўзини банк дилери сифатида кўрсатиб, жабрланувчиларнинг шахсий маълумотларини қўлга киритган, банк мобил иловаси орқали улар номига кредит маблағлари ажратилишига эришган, ушбу маблағларни онлайн расмийлаштирилган виртуал карталарга, кейин эса ўз пластик картасига ўтказган. Мазкур ишда рақамли фирибгарликнинг бир нечта муҳим белгиси намоён бўлади: жабрланувчи шахсий маълумотларидан фойдаланиш, онлайн кредит расмийлаштириш, виртуал карта орқали пул ҳаракатини ташкил этиш, бир нечта жабрланувчига нисбатан ўхшаш схема қўллаш ва электрон молиявий

операциялардан жиноят воситаси сифатида фойдаланиш. Суд ҳужматида онлайн кредит, виртуал карта ва пластик карта билан боғлиқ ҳолатлар мақолада кўрсатилган рақамли-криминологик мезонлар билан бевосита боғлиқ. Ушбу ҳолатда жиноятни фақат моддий зарар миқдори нуқтаи назаридан баҳолаш етарли эмас. Чунки айбдор жабрланувчининг ишончидан ташқари унинг шахсий маълумотлари ва рақамли молиявий хизматлардан фойдаланишдаги заифлигидан ҳам фойдаланган. Бундай ҳолатда суд жазо тайинлашда зарар қопланганлиги, иқдорлик ёки пушаймонликни инобатга олиши мумкин, аммо улар шахсий маълумотлар хавфсизлигига етказилган таҳдидни, онлайн кредит платформасидан жиноят воситаси сифатида фойдаланилганини ва жабрланувчининг келгуси молиявий муносабатларига эҳтимолий салбий таъсирни тўлиқ бартараф этмайди.

1-1207-2401/106 сонли жиноят иши бўйича айбдор хизмат мавқеидан фойдаланиб, жабрланувчига электр тармоқлари билан боғлиқ қарздорлик ва жарима ҳақида ёлғон маълумот берган, уни пора беришга далолат қилиб, 4 000 000 сўмни қўлга киритмоқчи бўлган, бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушлангани сабабли фирибгарликни охирига етказа олмаган. Суд қилмишни ЖК 25, 168-моддаси 3-қисми “в” банди ва 28, 211-моддаси 1-қисми билан квалификация қилган. Суд жазо тайинлашда айбдорнинг иқдорлиги, пушаймонлиги, моддий зарар мавжуд эмаслиги каби ҳолатларни енгиллаштирувчи, ғаразли ва паст ниятларда жиноят содир этганини эса оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаган. Мазкур иш рақамли фирибгарлик эмас, бироқ жазо тайинлаш методологияси нуқтаи назаридан муҳим. Суд хизмат мавқеи, жиноятнинг тугалланмаганлиги, зарар етмаганлиги, ғаразли ният ва айбдор шахсини баҳолаган. Рақамли фирибгарликда ҳам худди шундай методологик ёндашув зарур: суд ахборот технологияси жиноятда қандай роль ўйнаганини, шахсий маълумотлардан фойдаланилганини, жабрланувчилар сонини, электрон тўловлардан фойдаланиш даражасини, рақамли изларни яшириш ҳолатини ва жиноятнинг такрорийлигини мустақил таҳлил қилиши керак.

1-1204-2401/100 сонли жиноят иши бўйича суд ҳужжатида ёзишмалар скриншотлари, пластик карта крим-чиқимлари, электрон-онлайн аукцион натижалари ва бошқа рақамли далиллар иш материаллари сифатида қайд этилган. Бу ҳолат рақамли фирибгарлик ишларида суд муҳокамаси фақат жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатуви билан чекланмаслиги, электрон излар, банк операциялари, скриншотлар, транзакциялар, платформа маълумотлари ва рақамли ҳужжатларни ҳам комплекс баҳолаши зарурлигини кўрсатади.

Амалиёт материалларини ўрганиш натижасида яна бир муҳим муаммо кўзга ташланади: рақамли далиллар кўпинча айбни исботлаш воситаси сифатида баҳоланади, аммо жазо тайинлаш босқичида жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш мезони сифатида етарлича ишлатилмайди. Масалан, бир марталик ёзишма билан жабрланувчидан пул олиш ва бир нечта шахс номига онлайн кредит расмийлаштириб, виртуал карталар орқали пулни ўтказиш бир хил ҳуқуқий хавф даражасига эга эмас. Бироқ суд ҳукмида ушбу рақамли фарқлар алоҳида жазо индивидуаллаштириш мезони сифатида очиб берилмаса, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарликнинг ҳақиқий хавфлилик даражаси тўлиқ акс этмайди.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарорида жиноий жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги таъкидланган [3]. Шу қарорда жазо ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар инobatга олиниши кераклиги кўрсатилган. Ушбу умумий қоида рақамли фирибгарлик ишларида қуйидаги махсус мезонлар билан бойитилиши лозим.

Бизнинг назаримизда судлар ахборот технологияси жиноятда фақат мулоқот воситаси бўлганми ёки мулкни қўлга киритишнинг асосий механизмига айланганми, шуни аниқлаши керак. Масалан, телефон орқали алдашда ахборот технологияси алоқа воситаси сифатида намоён бўлиши мумкин. Аммо мобил банк иловаси орқали жабрланувчи номига кредит расмийлаштириш, виртуал карта очиш ва пулни бошқа картага ўтказишда ахборот технологияси жиноятнинг асосий воситасига айланади. Бундай ҳолатда ахборот технологиясидан фойдаланиш жазони индивидуаллаштиришда юқори хавф мезони сифатида баҳоланиши керак.

Рақамли фирибгарликда жабрланувчининг паспорт маълумотлари, телефон рақами, банк картаси маълумотлари, СМС-коди, мобил иловага кириш имконияти ёки бошқа идентификацион маълумотларидан фойдаланиш алоҳида хавфли омил ҳисобланади. Бу ҳолат фақат мулкий зарарга эмас, балки шахснинг рақамли хавфсизлиги ва молиявий репутациясига ҳам таъсир қилади. Шу сабабли шахсий маълумотлардан фойдаланиш жазо тайинлашда мустақил оғирлаштирувчи мазмунга эга бўлиши лозим.

Онлайн кредитни жабрланувчи номига расмийлаштириш ҳолатида зарарнинг ҳуқуқий табиати мураккаблашади. Бир томондан, банк маблағи ажратилади; иккинчи томондан, кредит мажбурияти жабрланувчи номига юкланади; учинчи томондан, айбдор ушбу маблағни виртуал карта ёки пластик карта орқали ўз назоратига олади. Бу вазиятда суд фақат “қанча пул ўзлаштирилгани”ни эмас, балки “жабрланувчи номига қандай молиявий мажбурият юклангани”ни ҳам баҳолаши керак.

Бир нечта жабрланувчига нисбатан бир хил рақамли схема қўлланилган бўлса, бу айбдорнинг тасодифий эмас, балки режали ва тизимли жиноий фаолият олиб борганини кўрсатади. Уитти онлайн фирибгарликда ишончни босқичма-босқич шакллантириш ва жабрланувчини психологик жиҳатдан ишонтириш механизмларига эътибор қаратади [18]. Бу ёндашув рақамли фирибгарликда кўп эпизодлиликни фақат арифметик кўрсаткич эмас, балки жиноятчининг барқарор криминал схемаси сифатида баҳолаш зарурлигини кўрсатади.

Зарарнинг қопланиши, албатта, жиноий жазо тайинлашда инobatга олиниши мумкин. Бироқ рақамли фирибгарликда зарар қопланганлиги шахсий маълумотлардан фойдаланиш, онлайн кредит расмийлаштириш, жабрланувчининг кредит тарихига таъсир, электрон тўлов тизимларига ишончнинг сусайиши ва рақамли изларни яшириш хавфини автоматик равишда бартараф этмайди. Шу сабабли судлар зарар қопланганлигини енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолар экан, рақамли хавф омиллари сақланиб қолаётган-қолмаётганини алоҳида муҳокама қилиши керак.

Круз ва Ҳейзер компьютер криминалистикасида электрон далилларни сақлаш, тиклаш ва таҳлил қилиш муҳимлигини таъкидлайди [17]. Уолден эса рақамли муҳитда

далилларга мурожаат қилиш ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун алоҳида мураккаблик туғдиришини кўрсатади [16]. Ўзбекистон суд амалиётида ҳам ёзишмалар скриншотлари, пластик карта крим-чиқимлари, онлайн аукцион маълумотлари ва электрон транзакциялар далил сифатида қўлланилаётгани кузатилади. Бироқ ушбу далиллар жазо тайинлаш босқичида ҳам таҳлил қилиниши, яъни жиноят қанчалик режали, кўп босқичли ва яширин амалга оширилганини кўрсатувчи мезон сифатида баҳоланиши лозим.

Хорижий адабиётларда кибержиноятчилик анъанавий жиноятларнинг фақат электрон шакли эмас, балки жиноий фаолиятнинг янги муҳити сифатида баҳоланади. Бреннер кибермаконда жиноий таҳдидларнинг трансчегаравий ва тезкор хусусиятига эътибор қаратади [13]. Зибер компьютер билан боғлиқ жиноятларни ҳуқуқий уйғунлаштиришда техник мураккаблик, халқаро ҳамкорлик ва миллий қонунчилик ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади [14]. Уолл ахборот асрида жиноятнинг ижтимоий тузилиши ўзгарганини таъкидлайди [15]. Вермеулен, Де Бондт ва Рикман трансчегаравий жиноий ҳамкорликда электрон далиллар билан ишлаш муаммоларини кўрсатади [23].

Ўзбекистон шароитида ушбу қарашлар муҳим, аммо уларни миллий амалиётга мослаштириш зарур. Ривожланган давлатларда кибержиноятчилик кўпинча корпоратив маълумотлар, мураккаб хакерлик, фишинг инфратузилмалари ва трансмиллий пул айланмалари билан боғлиқ бўлса, миллий амалиётда кўп учраётган ҳолатлар фуқароларнинг шахсий маълумотларидан фойдаланиш, банк ходими ёки дилер сифатида ўзини таништириш, онлайн кредитни жабрланувчи номига расмийлаштириш ва маблағни пластик картага ўтказишдан иборат.

Х.Очилов хорижий тажриба таҳлили асосида компьютер жиноятчилигининг олдини олишда ахборот чиқиб кетиши, ахборотни бузиб кўрсатиш, ахборот ресурсларига қонунга хилоф равишда аралашиш, ҳужжатлаштирилган ахборотнинг ҳуқуқий режимини таъминлаш ва ахборот тизимларида субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳимлигини қайд этади [4]. Бу ёндашув рақамли фирибгарлик учун ҳам амалий аҳамиятга эга. Чунки фирибгарликка қарши кураш фақат жазо санкциясини кучайтириш билан чекланмаслиги керак. Электрон тўлов тизимлари хавфсизлиги, онлайн кредит платформаларида идентификация талаблари, шахсий маълумотлар муҳофазаси, банк ходимлари ва мижозларнинг рақамли саводхонлиги, суд-тергов органларининг рақамли далиллар билан ишлаш малакаси ҳам жиноий жазо сиёсатининг таркибий қисми сифатида баҳоланиши лозим.

Амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорига рақамли фирибгарликда жазо тайинлаш мезонларини киритиш зарурати юзага келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори қуйидаги мазмундаги янги банд билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ:

“Судлар ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик ишларида жиноий жазо тайинлашда ахборот технологиясининг жиноят механизмидаги ролини, шахсий маълумотлардан фойдаланилганлигини, онлайн кредит, виртуал карта, электрон тўлов воситалари, мобил банк иловалари ёки пластик карталар орқали мулкий зарар етказилганлигини,

жабрланувчилар сони ва жиноят эпизодлари такрорийлигини, рақамли изларни яширишга уриниш ҳолатларини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи мезонлар сифатида баҳолашлари лозим”.

Шунингдек, ЖК 56-моддаси қуйидаги мазмундаги банд билан тўлдирилиши мумкин:

“жиноятни шахсий маълумотлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиб, ахборот тизими, электрон тўлов воситаси, мобил банк иловаси, виртуал карта ёки онлайн молиявий платформа орқали бир нечта жабрланувчига зарар етказган ҳолда содир этиш”.

Мазкур таклиф ҳар қандай ахборот технологиясидан фойдаланишни автоматик оғирлаштирувчи ҳолатга айлантирмайди. У фақат шахсий маълумотлардан фойдаланиш, электрон молиявий платформа ва кўп жабрланувчилик бир вақтда мавжуд бўлган ҳолатларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида қуйидаги ҳолатлар ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик сифатида баҳоланиши алоҳида кўрсатилиши лозим:

- жабрланувчи номига онлайн кредит расмийлаштириш;
- шахсий маълумотларни мобил банк иловасига киритиш;
- жабрланувчига билдирмасдан виртуал карта очиш;
- кредит маблағини бошқа картага ўтказиш;
- электрон тўлов тизими орқали мулкӣ ҳуқуқни қўлга киритиш;
- СМС-тасдиқлаш, рақамли идентификация ёки мобил иловага кириш маълумотларидан алдаш орқали фойдаланиш.

Назаримизда таҳлил этилаётган жиноятлар учун жиноий жазо тайинлашда жиноят натижасида етказилган моддий зарарнинг қопланганлигига автоматик енгиллаштирувчи ёндашувдан воз кечиш лозим. Яъни, судлар зарар қопланганини енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолашда рақамли фирибгарликнинг хусусиятларини инобатга олиши керак. Агар жиноят шахсий маълумотлардан фойдаланиб, бир нечта жабрланувчига нисбатан, онлайн кредит платформаси ёки виртуал карта орқали содир этилган бўлса, зарар қопланганлиги жиноятнинг барча хавфли белгиларини автоматик равишда нейтраллаштирмаслиги лозим.

Бундан ташқари, судлар электрон ёзишмалар, пластик карта крим-чиқимлари, виртуал карта ҳаракатлари, онлайн кредит сўровлари, IP-манзиллар, қурилма маълумотлари ва СМС-тасдиқлаш жараёнларини фақат айбни исботлаш воситаси сифатида эмас, балки жиноятнинг режалчилиги, кўп босқиччилиги, яширинлиги ва ижтимоий хавфлилик даражасини кўрсатувчи мезон сифатида ҳам баҳолаши ҳам мақсадга мувофиқ.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик анъанавий фирибгарликнинг оддий электрон шакли эмас. У мулкӣ муносабатлар, ахборот хавфсизлиги, шахсий маълумотлар дахлсизлиги, электрон тўловлар ишончилиги ва рақамли иқтисодиёт барқарорлигига бир вақтнинг ўзида таҳдид соладиган мураккаб жиноят-ҳуқуқӣ ҳодисадир.

Тадқиқот давомида суд-тергов амалиёти ўрганилганида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- судлар фирибгарлик ишларида асосан зарар миқдори, айбдорнинг шахси, иқдорлик, пушаймонлик ва зарар қопланганлигига таянади;
- ахборот технологияларидан фойдаланиш кўпинча квалификация белгиси сифатида баҳоланади, аммо жиноий жазо тайинлашда мустақил индивидуаллаштирувчи мезон сифатида етарлича очилмайди;
- онлайн кредит, виртуал карта, мобил банк иловаси, шахсий маълумотлар ва электрон тўлов воситалари орқали содир этиладиган фирибгарликда жиноятнинг хавфлилиги фақат зарар миқдори билан белгиланмайди;
- жабрланувчининг рақамли заифлигидан фойдаланиш, бир нечта жабрланувчига нисбатан бир хил схема қўллаш, рақамли далилларни яшириш имконияти ва электрон молиявий платформалардан жиноят воситаси сифатида фойдаланиш жазо тайинлашда алоҳида баҳоланмайди.

Шу жиҳатдан ҳам Олий суд Пленуми тушунтиришларини рақамли фирибгарлик учун жиноий жазо индивидуаллаштириш мезонлари билан тўлдириш зарури туғилмоқда.

ЖК 56-моддасида шахсий маълумотлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиб, ахборот тизими ёки электрон тўлов воситалари орқали бир нечта жабрланувчига зарар етказиш ҳолатини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Зарар қопланганлиги рақамли фирибгарликнинг барча ижтимоий хавфли белгиларини автоматик равишда бартараф этмайди.

Юқорида келтирилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик учун жиноий жазо тайинлашда судлар фақат зарар миқдори ва айбдорнинг шахси билан чекланмасдан, рақамли воситанинг жиноят механизмидаги роли, шахсий маълумотлардан фойдаланиш даражаси, онлайн молиявий платформалар орқали зарар етказиш, жабрланувчилар сони, такрорийлик ва рақамли изларни яшириш хавфини комплекс баҳолаши лозим. Акс ҳолда, рақамли фирибгарликнинг ҳақиқий ижтимоий хавфлилиги даражаси суд ҳукмида тўлиқ акс этмай қолади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/ru/docs/111453>
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2023 йил 23 июндаги 17-сонли қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/ru/docs/6523582>
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/1455976>
4. Очилов Ҳ.Р. Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент: ТДЮУ, 2017.
5. Алтиев Р.С. Фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент: ТДЮУ, 2020.
6. Абдурашулова Қ.Р. Фирибгарликнинг жиноят ҳуқуқий муаммолари: юрид. фан.

номз. дисс. Тошкент, 1996. Б. 14.

7. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 5 томли. Т. 4. Тошкент: ИLM-ZIYO, 2011. Б. 11.
8. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: дарслик. Тошкент: Насаф, 2010. Б. 132–133.
9. Гладких В.И., Курчеев В.С. Уголовное право России. Общая и Особенная части: учебник / под общ. ред. В.И. Гладких. М.; Новосибирск: Новосибирский государственный университет, 2015. С. 37–38.
10. Новоселов Г.П. Учение об объекте преступления. Методологические аспекты. М.: Норма, 2001. С. 45.
11. Зателепин О. К вопросу о понятии объекта преступления в уголовном праве // Уголовное право. 2003. № 1. С. 29–31.
12. Гаухман Л.Д., Максимов С.В. Уголовное право. Особенная часть: учебник. М.: Эксмо, 2005. С. 141–194.
13. Brenner S.W. Cybercrime: Criminal Threats from Cyberspace. ABC-CLIO, 2010. P. 91.
14. Sieber U. Mastering Complexity in the Global Cyberspace: The Harmonization of Computer-related Criminal Law // Les chemins de l'Harmonisation Pénale / Harmonising Criminal Law / eds. M. Delmas-Marty, M. Pieth, U. Sieber. Paris: Société de législation comparée, 2008.
15. Wall D.S. Cybercrime: The Transformation of Crime in the Information Age. Cambridge: Polity, 2007. P. 276.
16. Walden I. Accessing Data in the Cloud: The Long Arm of the Law Enforcement Agent // Privacy and Security for Cloud Computing. Computer Communications and Networks. 2013. P. 45–71.
17. Kruse W.G., Heiser J.G. Computer Forensics: Incident Response Essentials. Addison-Wesley, 2002. P. 392.
18. Whitty M.T. The Scammers Persuasive Techniques Model: Development of a Stage Model to Explain the Online Dating Romance Scam // The British Journal of Criminology. 2014. Vol. 53, Iss. 4. P. 665.
19. Marcella A.J. Jr., Greenfield R.S. Cyber Forensics: A Field Manual for Collecting, Examining, and Preserving Evidence of Computer Crimes. 2nd ed. Boca Raton: CRC Press, 2002. P. 136.
20. Koops B.-J. Cybercrime Legislation // Electronic Journal of Comparative Law. 2010. Vol. 14, № 3.
21. Kshetri N. Cybercrime and Cybersecurity in the Global South. Houndmills: Palgrave Macmillan, 2013.
22. Lu C.C., Jen W.Y., Chang W., Chou S. Cybercrime & Cybercriminals // Journal of Computers. 2006. Vol. 1, № 6. P. 1–10.
23. Vermeulen G., De Bondt W., Ryckman C. Rethinking International Cooperation in Criminal Matters in the EU. Antwerp: Maklu, 2012. P. 133.
24. De Bondt W. Need for and Feasibility of an EU Offence Policy. Antwerp: Maklu, 2012. P. 46–47.